Бомдоддаги суннат намозининг савоби

Image not found or type unknown



13:00 / 24.01.2021 7280

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: رَكْعَتَا الْفَجْرِ خَيْرٌ مِنَ الدُّنْيَا وَمَا فِيهَا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ. وَلِأَبِي دَاوُدَ وَأَحْمَدَ: لَا تَدَعُوهُمَا وَإِنْ طَرَدَتْكُمُ الْخَيْلُ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бомдоднинг икки ракати дунё ва ундаги нарсалардан яхшидир», дедилар».

Муслим, Термизий ва Аҳмад ривоят қилганлар.

Аҳмад ва Абу Довуд:

«Агар сизни отлиқлар қувиб турса ҳам иккисини қўймanглар»*ни зиёда қилганлар.*

Шарҳ: Ушбу ҳадисда Бомдоднинг икки ракат суннати ҳақида сўз бормоқда. У икки ракат намоз энг фазилатли вақтда ўқилади. Унинг савоби ниҳоятда улкандир. Агар Бомдоддаги икки ракат суннат намознинг савобини бу дунёнинг ўлчови билан ўлчайдиган бўлсак, дунёнинг ҳаммасидан ва ундаги нарсаларнинг ҳаммасидан ҳам яхшироқдир.

Демак, ҳар куни саҳар туриб, гўзал ва мукаммал таҳорат қилиб, Бомдод намозининг икки ракат суннатини ўқиган одам дунёдаги энг кўп савобни олган киши бўлар экан.

Намозхонлар ўзларидаги бу фазлни англаб етишлари лозим.

Бомдоднинг суннатини ўқиш қанчалар зарур эканлигини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Агар сизни отлиқлар қувиб турса ҳам иккисини қўймanглар» деган сўзларидан тушуниб олсак бўлаверади. Яъни, агар душман бостириб келиб турса ҳам, Бомдоднинг икки ракат суннатини тарк қилмаслик лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан